

# БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ БИР ҚИСМИГА КЎРСАТИЛГАН КОММУНАЛ,ИЖАРА ВА БОШКА ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА

## ШАРТНОМАСИ № 08

«04» январ 2022 йил

Жиззах шаҳри

Низом асосида иш кўрувчи (кейинчалик “Хизмат курсатувчи” деб юритилувчи) Вилоят хокимлиги тасарруфидаги МЧЖ шаклидаги “Сўғдиёна бино ва иншоотлардан фойдаланиш” дирекцияси номидан Махмуджонов У.И ва Низом асосида иш кўрувчи (кейинчалик “Хизматга ҳақ тўловчи” деб юритилувчи) «Сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар» спорт мактаби номидан раҳбари Ў.Султонов мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “хизмат курсатувчи” “хизматга ҳақ тўловчи”га унинг фойдаланишида булган Жиззах шаҳар, А.Навоий кўчасида жойлашган “универсал спорт мажмуасидаги «Сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаби фойдаланаётган сузиш хавзаси, офис хоналари,717 кв.м. (кейинги ўринларда “Объект” деб юритилади) хизмат курсатида, “хизматга ҳақ тўловчи” эса ушбу “Объект”ни қабул қилиб олади “хизматга ҳақ тўловчи” фақат бино ва иншоотларнинг бир қисмига кўрсатилган ижара,коммунал,кичик ходимлар хизмати учун иш ҳақи ва ҳўжжалик харажатлари учун ҳақ тўлайди.

### II. “ОБЪЕКТ”НИНГ ТАСНИФИ

2.1. “Объект”нинг таснифи (таркиби, ҳолати, қиймати ва бошқалар) мазкур шартноманинг иловасида алоҳида кўрсатиб ўтилган (1-илова).

2.2. “Объект” “Хизматга ҳақ тўловчи”га 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача фойдаланишга берилади.

2.3. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида кайд этилган “Объект”дан “Хизматга ҳақ тўловчи” фақат бассейндан сузиш машгулотларини утказиш, офис хоналарини идора максасида, ҳамда бино атрофидаги майдонни манзарали бог ва йулакчалар максасида текинга фойдаланади.

2.4. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 131199000-00 (бир юз ўттиз бир миллин бир юз тўқсон тўққиз минг) сўм бўлиб, шундан КҚС суммаси 17112913 (ўн етти миллион бир юз ўн икки минг тўққиз юз ўн уч) сўм ушбу шартнома Ғазначилик бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

### III. “ОБЪЕКТ”НИ КАБУЛ ҚИЛИШ ВА КАЙТАРИШ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Хизмат курсатувчи” “Объект”га шартнома шартларига мўлжалланган максасидга мувофиқ шартнома тузилган санадан кейин ўн кун ичида “Хизматга ҳақ тўловчи”дан қабул қилади, “Хизматга ҳақ тўловчи” эса шартнома муддати тузагача “Хизмат курсатувчи”нинг хизматидадан воз кечади.

3.2. “Объект”ни қабул қилиш ва унга хизмат курсатиш, ҳамда хизмат курсатишдан воз кечиш “Хизмат курсатувчи” ва “Хизматга ҳақ тўловчи”нинг иштирокида “Объект”ни икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда, тарафларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.3. Далолатномада уни тузилган жойи ва санаси, мазкур шартномасининг реқвизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами) ва “Объект”нинг техник ҳолати кўрсатилади (1– илова).

3.4. “Объект”ни қабул қилиш ва кайтариш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

3.5. “Объект” кайтарилаётганда камчиликлар аниқланган тақдирда (конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) “Хизмат курсатувчи” “Объект”ни мазкур шартномада белгиланган муддатларда шартнома шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни коплагунгача “Хизматга ҳақ тўловчи” уни қабул қилиб олишни ва “Объект”ни кайтариш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

3.6. “Объект”ни кайтариш ва қабул қилиш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланган пайтдан бошлаб “Объект” кайтарилган ёки қабул қилинган деб ҳисобланади.

### IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 “Хизматга ҳақ тўловчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- хизматлар тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

- “Хизмат курсатувчи”дан мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмларда ахборот сўраш;

- зарурат бўлганда, “Объект”нинг физик ҳолатини “Хизматга ҳақ тўловчи”нинг ҳўжжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;

- хизмат курсатишга олинган “Объект”дан фойдаланиш шартларини, “Хизматга ҳақ тўловчи” томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу қабилар);

- “Хизмат курсатувчи”нинг олинган “Объект”ни озода ва тоза тутишлигини амалга ошириш тўғрисидаги муурожаатини кўриб чиқиш;

- конун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

4.2 “Хизматга ҳақ тўловчи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Объект”ни “Хизмат курсатувчи” га топширилишида иштирок этади;

- мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Хизматга ҳақ тўловчи” “Объект” ни шартнома шартларига ва “Объект”ни мўлжалланган максасидга мувофиқ ҳолатда “Хизмат курсатувчи”га берилишини, уларнинг хизматидаги ўз вақтида ҳақ туланишига, шартнома муддати тузагача, “Хизмат курсатувчи” дан “Объект”ни кайтарилишини ташкил этади;

- “Объект”ни бериш ва кайтариш тўғрисидаги икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаларини ўзининг ваколатли вакиллари томонидан имзолаишини ва ўз муҳри билан тасдиқланишини ташкил этади;

- конун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

4.3. “Хизмат курсатувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мазкур шартномаси шартларига мувофиқ “Объект”ни “Хизматга ҳақ тўловчи”дан қабул қилиб олиш;

- хизмат курсатишга олинган “Объект” ни сақлашда ва хизмат курсатиш давомида ўз ишчи-ходимлари орқали бажаради

ва «Хизматга ҳақ туловчи» ҳисобидан маблағни олади;

- ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарганда янги муддатга шартномасини тузишда устулик ҳуқуқига эга бўлиш;

- конун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

#### 4.4. “Хизмат курсатувчи” куйидаги мажбуриятларга эга:

- олинган “Объект” га фақат шартномада курсатилган хизматни курсатади ва объектни тоза озода сақлашга жавобгардир;

- электр энергияси, сув ва газни ҳисобга олиш учун зарур ҳисоблаш приборларини ўрнатишни тузилган алоҳида шартномага асосан амалга ошириш;

- олинган “Объект”га шартномада кўрсатилган муддатларда сифатли хизмат курсатади;

- “Хизмат курсатувчи” томонидан шартномада назарда тутилган ҳажмлардаги хизмат курсатилган ишлар юзасидан суралган ахборотга кечиктирмасдан жавоб бериш;

- шартнома муддати тугагач “Объект”ни ўн кун ичида “Хизматга ҳақ туловчи”га қайтариш;

- қайтарилаётган “Объект”да камчиликлар аниқланган тақдирда (конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) “Объект”ни икки ҳафта муддат ичида топширилган пайтдаги ҳолатига келтириш ёки “Хизматга ҳақ туловчи” томонидан ҳисоблаб чиқилган етказилган зарар миқдорини қоплаш;

- ўзининг реқвизитлари ўзгарганда “Хизматга ҳақ туловчи”ни бу ҳақда етти кун ичида хабардор қилиш;

- “Объект”да ўзининг айби билан коммунал авария ҳолати юз берса, уни тузатиш ва таъмирлаш ишларини ўз маблағи ҳисобидан амалга ошириш;

- конун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

### V. Хизмат курсатиш НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

5.1. шартномада курсатилган “Объект” га хизмат курсатиш учун Вилоят ҳокимининг 2011 йил 30 декабрдаги 246-сонли қарори билан тасдиқланган амалдаги ставкаларга кура шартнома конуний кучга кирган кундан бошлаб ҳар ойда олдиндан 30% тўловини “Хизматга курсатувчи”га тўлайди. (3-илова)

5.2. хизмат курсатилётган “Объект”ни тиклаш ёки мукамал таъмирлашни амалга оширган тақдирда, ўзининг қилган ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли хизматлари экспертиза натижаларини тақдим этганда тўлови сўммасини камайтирилиши мумкин.

5.3. Нарх-навонинг ўзгариши муносабати билан тулов миқдори “Хизмат курсатувчи ” томонидан ўзгартирилиши мумкин.

### VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ва мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда тегишли равишда муҳр қўйилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.3. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги конун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.

6.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф иккинчи тарафга бир ой олдин буюртма хат билан ёзма билдиришнома юбориши шарт.

6.5. Тарафлардан бири мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятлардан уч ой мабойида бажармаган тақдирда, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклиф билан биринчи тарафни мажбурият бажарилмаган ойнинг охириг қундан кейин ўн кун ичида ёзма равишда бюртма хат ёки шахсан топшириши билан хабардор қилади. Ушбу таклифга биринчи тараф рад жавоби берган ёки бюртма хат юборилган кундан кейин бир ой муддат ичида жавоб олинмагандан кейин иккинчи тараф шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

6.6. Тарафлардан бирининг шартномадаги ўз зиммасига олган мажбуриятларни уч ой мабойида бажармаслиги оқибатида иккинчи тарафга мазкур шартномани тузилишидан умид қилишга ҳақли бўлган сўмма миқдориди зарар етказилиши- шартнома шартларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

6.7. Шартноманиннг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига тарафлардан бирининг шартнома шартларини жиддий бузиши асос бўлган тақдирда, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### VII. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. “Хизматга ҳақ туловчи ” томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда “бажарилган ишларга ҳақ тулаш” кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилган “Объект” га хизмат курсатиш жами суммасини 50 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. Мазкур шартномада кўрсатилмаган ҳолатлар бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекиди ва Ўзбекистон Республикасининг “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги конунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорлари билан ва бошқа конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

### VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар суд тартибиди ҳал қилинади.

### IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасида ушбу шартномага тегишли бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Шартнома икки нусхада расмийлаштирилиб, асл нусхалари “Хизмат курсатувчи”да ва “Хизматга ҳақ туловчи”да сақланади;

9.3. Мазкур шартномага кейинчалик киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Ушбу шартномага тааллуқли иловалар, шартноманинг ажралмас қисмидир.

9.5. Мазкур шартнома шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатдан кучга киради.

9.6. Мазкур шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

9.7. Мазкур шартнома 31.03.2022 йилгача тузилди.

### Х. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

#### “ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”

Вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги МЧЖ шаклидаги  
«Сўғдиёна бино ва иншоотлар фойдаланиш» дирекцияси

Жиззах шаҳри, А.Навоий кўчаси 2-уй

Х/Р: 2020800000455751001

Банк «Асака банк» Жиззах вилоят филиали

МФО- 00140 ИНН: 303296888

Раҳбар У.И. Махмуджанов



#### “ХИЗМАТГА ХАҚ ТЎЛОВЧИ”

«Сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-  
ўсмирлар» спорт мактаби

Манзил: Жиззах шаҳри А.Навоий кучаси

ш/х\* 100021860084017083620135003

ИНН 207 237 944

Жиззах вилоят бўйича Ҳазначилик бошқармаси

х/р 23402000300100001010

ИНН 20123019

МФО- 00614 Тошкент шаҳар Марказий банк

Раҳбар Ў.Султонов  
(җиззо, муҳр)



Юрист хулосаси:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси тегишли моддалари ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар талабида, экспертизадан ўтказилади.

Юрист

(имзо)

(Ф.И.Ш)

